

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1989 йил 15 август, сешанба

№ 186 (6. 975)

1989 йил 15 август, сешанба

Баҳоси 3 тийин

ИШЧИЛАР УЧУН

САМОЛЕТСОЗЛАР шаҳарчаси кейинги йилларда ободонлашиб бормоқда. Локомотив кўчасининг ана шу шаҳарча боқатида янги «Парвоз» кафе-бистроини ишчилик кўчирди. Чиройли безаклар билан ишланган кафеда хўрандалар учун бarcha қўлайликлар мавжуд. Бу ерда музқаймоқ, сома-са ҳамда ширинликлар тайёрлаш бўлими бор. Музқаймоқ бўлими киши ва ёзи залларга эга. Хўрандалар у ерда ўзлари истаган турдаги музқаймоқларни топишлари мумкин.

Янги кафе хизматидан фойдаланувчилар қатори шу атрофдаги ГА-243-автомобил ишчилари, кассалар ва магазинларнинг сотувчилари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

БЎРСИЛДОҚ

ОБИ-НОНЛАР

ПОЯТХИМИЗНИНГ Ленин районида қарашли «Сарикўл» маҳалласида аҳолига яна бир қўлайлик яратилди. Аҳоли дастурхонига бўрсилдоқ иссиқ оби-нонлар етказиб берилмоқда.

Маҳалла маркази — отахонлар чойхонасида олинган нон-хўна аҳоли оғирини енгил қилди: нонхўна хизматидан аҳоли мамун бўляпти. Хар кунин 750 — 800 дона оби-нон етилипти. Бунда Д. Умарбоев, Н. Файзуллаев, Ш. Жўраев, Т. Иброҳимов каби нонвой, хамир қилувчи, нон асвчиларнинг хиссаси катта бўлмоқда. Улар хар бир ноннинг сингиб пишиши, сифати бўлишига ҳаракат қилмоқдалар. Кейинча кунига бу ерда 1 минг дона оби-нон ёпиш мўлжалланаяпти.

И. РУСТАМОВ.

ПУЛСИЗ ТУШЛИК

БУГУН Собир Раҳимов ва Чилқозор районларида жойлашган «Ешилк» ошхонаси ҳамда «Онош» кафеларида «Мехр-шафқат» жамияти ташаббуси билан кам таъминланган ошоналар учун пулсиз тушлик тақдим этилди.

Биз «Ешилк» ошхонасида бўлиб хўрандалар билан суҳбатлашдик.

Дўса Лопухова: Мен ёлғизман, маошим 47 сум, қолгари нотригонман. Бозор қилиб, иссиқ ошак тайёрлашга хар доим ҳам қўрибман тавармайди. Бир томондан маблаг кам бўлса, иккинчи томондан «ошак» туфайли оқиллик қилиб қолмаман. Ҳозир мана бу томонлардан тановул қилдик. Мен шу тақдиримни «Мехр-шафқат» жамияти миннатдорчилигини изҳор этмаман.

Микола Ермоленко: Тўғрисики айтсам, Совет Ўзбекистони ана бир меҳрибонлик ташаббуси билан чиқди. Менга ўзлашган ёлғиз, кам таъминланган кишилар кўпайиб учрайди. Бугун «Ешилк» ошхонасида, «Мехр-шафқат» жамияти томонидан тақдим этилган тушликдан 60 киши бепул тамадди қилишди. Мен бу ташаббус қўлчан ёйишига ишонмаман.

Шунингдек, биз шу кун «Хамза» станицасидан чиқиб «Онош» кафега йўл олдик.

Кафе олдатидадан ташқари безатилган. Стол атрофида турли ёшдаги кишилар тановул қилишмоқда. Ҳа — булар кам таъминланган кишилар. Бугун бу ерда 55 киши пулсиз тушлик қилишди. Ташаббуснинг қаноти бор дейишди. 10 августда Октябрь районининг Хадра мейдонига жойлашган 7-парҳез тошлар ошхонасида даставвал 42 кишига пулсиз тушлик берилиб, сўнгга хўрандалар сонини ошириб боришларини айтишди.

Д. ОБЛАЕВ.



Мамлакат Маҳаматиллаева чорак асрдан бери Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номиданги ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилиб келади. У 2-ҳафта пешадам бригадалардан бирига етакчилик қилади. Маъмур коллектида 30 нафар тикувчи ишлайди. Бригада оёқлик топириқларини 103—105 процентга адо этиб келяпти. Мамлакат оша эса коллективдаги ишларга хар соҳада намуна. У ҳозиргача 6 ёш ишчига ўз қабилнинг сирларини ўргатди. Ҳозир бу ишчилар устозларнинг маррасига тенглашиб меҳнат қилмоқдалар. СУРАТДА: меҳнат ветерани М. Маҳаматиллаева. Ҳ. Мирзакаримов сурати.

XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияси қарорлари қандай бажарилмоқда?

Манзил яқин — кўнчил шод

«Транспорт бўлимида янги партиявий ва ҳўжалар раҳбарлиги мустаҳкамланди. Корхоналарнинг моддий техника базаси ривожланди, ҳаракатдаги состав янгиланди ва қўлайди. Келгуси йили 29 километр узунликдаги троллейбус ва 16 километр узунликдаги трамвай линиялари қурилади». Хўш, шаҳар партия конференцияси минбаридан янграган бу сўзларга қандай амал қилинмоқда? Аввало айтиш керакики, транспорт бarcha турларининг иштини ривожлантириш ва тақомиллаштиришнинг тизимли комплекс программаси ишлаб чиқилди. Ҳозирда бу программа амалга оширилмоқда.

Утган йиллар мобайнида метронинг «Тошкент — Чкалов» янги участкаси фойдаланишга топширилди. «Навоий-Беруний» йўналишидаги ишлар жадал бормоқда. Юнусов шохобчасини қўришга тайёргарлик бошланди. Тошкент авиаторида ва йўл бўлималари ўз ишларини бир қадар яхшиладилар. Ленин транспорт муаммоси ҳали ҳам ўқир бўлиб турибди. Турмуш бу масалага яна ҳам қатъийроқ чоралар қўришни талаб этмоқда. Фикрининг далили учун трамвай ва троллейбус божармасида олиб бориладиган ишлар юзасидан баъзи мисоллар мурожат қилилди.

Шахримизда электр ҳўжаллиги тармоғини юксалтириш ҳамон муҳим муаммолардан бири бўлиб қолляпти. Ҳозирги кунда трамвай ва троллейбус маршрутларининг узунлиги 2,717 километрга етказилди. Ҳаракат мунтазамлиги эса трамвайларда

93,3 фоизга, троллейбусларда 96,8 фоизга кўтарилди. Транспортларнинг бузуқлиги сабабли депога қайтиб келиш ҳоллари кескин камайди. Электр хом ашёсини ишлаб чиқариш тақомиллашти. 4 та подстанция фойдаланишга топширилди ва 3 та подстанция монтаж қилинмоқда.

Аҳолига намунали хизмат кўрсатиш мақсадида 9,18-троллейбус маршрутлари Шимол-шарқ массивига, 3, 23-трамвай маршрутлари «Чкалов» метро станциясига узайтирилди. 6,8 километр трамвай линияси, 23 километр контакт тармоғи мулатидан илгари ремонт қилинди. Йўловчилардан келатган шикоятлар 153 тадан 103 тага камайди.

Янги иш системасига ўтиш жараёнида трамвай ва троллейбус маршрутларида ҳаракат мунтазамлигини яхшилаш, ҳайдовчилар орасида таълим-тарбия ишларини намунали йўлга қўйиш, норматив методларга асосланган қайта қўриш талабига мослаштирилмоқда. Ҳозирги кунда ҳаракат составларини ремонт қилиш янги техника наараёналари асосида бажарилаяпти.

Ҳайдовчилар состави орасида кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш мақсадида қатор социал-маданий объектлар бунёд этилмоқда. Қўл йиллар мобайнида техник исқисдий қўрсаткичларга тўқисний қилаётган ечим-сиз муаммолар ҳал этилди. Ҳаракат мунтазамлигини самарали йўлга қўйишда, ижодий изланиш — ремонт сифати ва самарадорлигини ошириш, ҳайдовчиларнинг турмуш шароитлари билан

қандай адо этиб келяпти. Мамлакат оша эса коллективдаги ишларга хар соҳада намуна. У ҳозиргача 6 ёш ишчига ўз қабилнинг сирларини ўргатди. Ҳозир бу ишчилар устозларнинг маррасига тенглашиб меҳнат қилмоқдалар. СУРАТДА: меҳнат ветерани М. Маҳаматиллаева. Ҳ. Мирзакаримов сурати.

«Шавакати меҳнати учун» медали билан Дегайрва Золя Григорьевна — бўёқчи, Свердловско Евгений Владимирович — инженер-конструктор, Филатов Сергей Павлович — Чехов энергетика машинасозлиги заводининг тоқари, Москва обласи, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медали билан Микрочов Виктор Павлович — йиғувчи-слесарь, СССР Олий Советининг Раиси М. ГОРБАЧЕВ. Москва, Кремль, 1989 йил 14 август.

Аввало ўзингга талабчан бўл

КПСС Уставига мувофиқ партия аъзоси 15 кишидан кам бўлган партия гуруҳларида, бошланғич ва цех партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар бошланди.

КПСС Марказий Комитетининг «1989 йил партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов ўтказиш тўғрисидаги қарориде шу нарса таъкидланганики, улар мамлакатдаги ҳозирги исқисий азият шароитларида алоҳида аҳамиятга эгадир, яъни айниқса иқтисодий соҳада кўпгина муаммолар тўпланиб қолган бир даврда, кишиларда норозилик тўғдираётган, уларнинг қайта қўришга муносабатига таъсир этаятган бир пайтда алоҳида аҳамият касб этади. Шундай шароитда кўп нарса жойларда қайта қўришга бошчилиқ қилишга даъват этилган партия комитетлари, партия ташкилотлари фаолиятига боғлиқдир.

Кўпгина партия комитетлари жамиятда содир бўлаётган жараёндан, даврдан орқанда қолдилар. Шу масала кўндаланг бўлдики, жамиятнинг исқисий системасида партиянинг фаолияти ва ўқини янгиқасига фикрлаб қўриш керак бўлиб қолди. Токи у ҳақиқатан ҳам совет халқининг авангарди бўлиб қолсин. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари айнан ана шу ваъдаларини аниқлаб беради. Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари О. Ҳ. АСҚАРОВ билан суҳбат ана шу ҳақдадир.

— Озод Хомиевич, шаҳар партия ташкилотиде бу йилги ҳисобот ва сайловлар олдидан катта тайёргарлик ишлари олиб борилади. Партия гуруҳлари, цех ва бошланғич партия ташкилотлари нимага қаранди?

— Ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказишга қўйилган асосий талаблар КПСС Марказий Комитетининг қарориде аниқ-равшан қайд этилган. У ёки бу партия гуруҳи, цех ёки бошланғич партия ташкилотиде конкрет шарт-шароити, азиятини ҳисобга олиб, ана шуларга риоя қилиши керак.

Ҳисобот-сайлов мобайнида партия XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини бажариш юзасидан нимага қилиш зарур. Партия ташкилотиде ҳар бир коммунистнинг тўб иқтисодий ислохотини амалга оширишга қандай конкрет ҳисса қўшгани, демократиялаштириш жараёни, меҳнат коллективларининг ўз-ўзини бошқаришга ўтиш ҳақида сўз бормоғи, партия ташкилотининг идеологик, таъкил-партиявий ишларини тўбдан қайта қўриш, уларнинг кишилар онига сафарбар этивчилик таъсирини қўчайтириш, уларнинг меҳнат ва иқтисодий-сисқий активлигини ошириш учун нимага қилиш зарурлигига эътиборни қаратмоқ керак.

Йиғилишларда КПСС Марказий Комитетиде жамиятнинг янгилашнинг ҳозирги босқичида партия фаолиятини қайта қўриш билан боғлиқ муаммоларга баъишлб ўтказилган кенгаш якулари алоҳида суҳбат мавзуси бўлмоғи керак.

Ана шу асосда партия ташкилотиде шундай ёндошувларни, фаолиятини шундай шакл ва методларни қидириб топиш керакики, улар олдимизда турган янги ваъдаларга жавоб бериши, уларга зарур динчилик ва сифат бахш этиши, меҳнат коллективининг исқисий авангарди сифатида партия ташкилотининг обрўсини ошириш зарур. Сир эмаски, бугунги кунда партия ташкилотлари, партия комитетлари ва умуман партия шаънига жиддий таъсирлар бўлиб турибди. Умуман олганда бу таъкид ҳақиқоний, қўлбу-қилиш асосида айбловлар, баъзан эса ўзини қўлчилик ўртасида шунчалик қўрсатиб қўйишга интилиш ҳоллари бўлса ҳам.

Айрим коммунистлар партия комитети фаолиятига қараб бутун партия тўғрисида ҳўки чиқаришяпти. Албатта баъзан бундай умумлашмалар доимо тўғри бўлавермайди.

Айни пайтда ҳар бир коммунист, айниқса сайланган орган аъзоси шунини доимо ёдда тутмоғи керакики, унинг таъкид-ҳаракати ва ишлари шундоқки ҳақамангиз кўз ўнгиде туради. Уларга қараб бутун коммунистлар ҳақида ҳўки чиқариладир. Партиянинг обрўси партия ташкилотларининг обрўсига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишларида бу ҳақда жуда жиддий сўз юритилиши лозим. Уларда умумий сўзлар ва ҳўқомалар эмас, балки конкрет-муфассал ишларнинг таъкид этилиши, ҳар бир коммунистнинг қайта қўришга қўшган ҳиссаси керак. Партия етакчилигини эмас, балки одадий коммунистларга ҳам принципал партиявий баҳо бермоқ керак, агар улар ўзларининг таъкид-ҳаракатлари, фаолиятисизликлари, пассивликлари билан атрофдагиларнинг кўз ўнгиде партиянинг обрўсини туширган бўлишса.

Партия гуруҳлари ва цех партия ташкилотлари бевосита меҳнат эволюларида ишлайдилар ва меҳнат коллективининг ҳар бир аъзосига бевосита таъсир ўтказиш имконига эгадирлар. Масалан, партия гуруҳлари ва цех партия ташкилотлари қаредки пассив бўлса, сисқий-тарбиявий, идеологик иш олиб бормаса, турган жаб, партия комитетлари ҳам сўз бўлиб қолади. Ишлар ҳам қўн-қилдагидек бормайди. Шунинг учун ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар шу кўннинг асосий масалалардан бирига жавоб беришлари даркор: партия гуруҳиси ёки партия ташкилотиде, коммунистларнинг меҳнат коллективни ўртасиде обрўси борми, улар кишиларга таъсир ўтказиши мумкинми, уларни ўз орталарида эргаштира оладиларми? Агар бунга жавоб ижобий бўлса, у ҳолда коммунистларнинг коллективга ўртасиде таъсирини мустаҳкамлаш ва қўчайтириш ҳақида йўлб қўроқ керак. Агар жавоб салбий бўлса, ундай ҳолда бундан жуда жиддий сабоқ чиқариб олиш зарур.

Бир сўз билан айтганда, ҳисобот-сайлов йиғилишдан кейин ҳар бир партия гуруҳиси, партия ташкилотиде жуда аниқ ҳаракат планига эга бўлмоғи керак. Бу ишнинг бошиде ана шу режаларни амалга оширишга қодир ташкилотиде коммунист турмоғи керак.

— Бу айтб ўтган гапларингиздан кўп нарса йиғилишга қандай тайёргарлик қўрилганига боғлиқ эмасми?

— Таъбики, албатта. Ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик аввало уни ўтказишдан анча олдин бошланган эди. Утган ҳисобот-сайлов партия йиғилишларида коммунистлар ўртоқларининг ҳисоботларини тингладилар. Аввал қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши тўғрисида ахборотларни эшитдилар, ҳозирги даврдаги шароитларда ёки коллективда таркиб топан азиятда белгиланган режаларини амалга оширишнинг форма ва методларини аниқладилар. Партия ташкилотларида, район партия комитетларида партия гуруҳлари ташкилотларининг, цех, бошланғич партия ташкилотиде секретарларининг семинарларида йиғилишларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказишнинг ҳар бир босқини муфассал таҳлил этиб чиқилди, бarcha тугилган саволлар коллективда муҳокама этилди. Партия йиғилишларига тайёргарлик қўриш ва ўтказишда амалий ёрдам қўрсатиш мақсадида сайланган партия органларининг аъзолари ташкилотларга юборилди.

Шаҳарда ҳисобот-сайловлар мобайнида партия ветеранлари, партия ҳодимлари, иллий муассасаларнинг ажиллари, ёш коммунистлар ва бошқалар иштирокида партия йиғилишларида қўришлар энг актуал масалалар бўйича бир қатор учрашувлар ўтказиш мўлжалланмоқда.

Лекин энг муҳими, коммунистларнинг ўзлари йиғилишга нима билан боришларидир. Бу ерда доклади ҳам, ҳар бир коммунист ҳам жуда чуқур тайёргарлик қўриши керак. Ҳеч ким шун-

чаки йиғилишда ўтириб, жимгина чиқиб кетмаслиги лозим. Ҳар бир киши ўзининг баҳосини бериши, ўз нукта-назарини айтиши, ўз фикрини билдириши керак.

Албатта, кўп нарса докладега боғлики. Бу муҳоканага туртки бериши керак. У шунчаки ҳўқомлик масалаларининг байдидан иборат бўлиб қолмасин. Бу партия ташкилотиде секретарининг асосий ҳисоботи бўлмоғи зарур — у ҳисобот даврида нима ишлар қилди, ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишнинг қарори қандай бажарилди, нима-лар бажарилмай қолди ва нима учун, олдиде қандай ваъдалар турибди? Партия ташкилотиде ишларининг партиявий-сисқий жиҳатларига, идеологик ва таъкил-партиявий ишларга алоҳида эътибор қаратишга тўғри бўлур эди. Утган ҳисобот-сайлов йиғилишида ва бошқа йиғилишларда коммунистлар билдирган таъкидлар қандай бажарилди? — ана шулар айтиб ўтилиши керак. Утган йиғилишларда қандай масалалар қўриб чиқилган ва қандай қарорлар қабул қилинди, улар қандай бажарилди? — бу ҳақда ҳам айтмоқ керак.

Докладни тайёрлашда коммунистларнинг аттестацияси материалларидан фойдаланиш зарур. (Агар аттестация ўтказилган бўлса ёки шу таъкилотда ўтказилган бўлса). Унда ана шу нарса ҳам албатта ақс этиши керакики, партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш, интернационал тарбиянинг янги форма ва методларини жорий этиш қандай бораётган ақс этсин. Докладни тайёрлашда иллий борица кўп коммунист иштирок этиши лозим. Партиясиз ўртоқларнинг фикрлари ҳисобга олинка чакки бўлмас эди. Маълумки, улар ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишларида иштирок этадилар.

Қарор лойиҳиси билан ишлашда ҳам худди шундай қилоқ керак.

Қарорда партия ташкилотиде секретари (партия гуруҳисининг ташкилотиде) фаолиятига баҳо берилиши лозим. Ҳисобот-сайлов йиғилишнинг қарори бу — олдиде турган ҳисобот даври учун ҳаракат программасидир. Шунинг учун унда бир ҳақалик эмас, балки коммунистларнинг етакчилиги ролини ошириш, меҳнат коллективдаги ишларнинг аҳолига ҳақиқий партиявий таъсирини қўчайтириш бўйича истисқобли ва муаммолар ваъдалар қўйилмоғи керак.

Шуниси муҳимики, у бениҳоя даражада аниқ бўлиши керак. Қарорнинг ҳар бир банди қўйилган саволларга жавоб бермоғи керак: ким, нима ва қайси мудатда бажарилди?

— Айтингки, партия гуруҳиси ташкилотиде ва цех партия ташкилотининг секретари агар бундай тайёргарлик қўриш учун вақти ва таърибаси бўлмаса, нима қилиши керак!

— Бундай ҳолда уларга партия комитетлари ёрдам беришлари керак. Улар олдидан партия гуруҳлари ва цех бошланғич партия ташкилотларига конкрет, амалий ёрдамни қиллар бериш ишлари аниқлаб қўйишлари керак. Сайланган органларнинг аъзолари шу нарсага эътиборни қаратишлари керакики, ҳисобот-сайловлар навбатиде ишлаб чиқариш йиғилишларига айланиб кетмасин. Чўнки бундай ҳоллар учраб туради. Йиғилиш ишчиллик руҳи билан ўтиши, юзалик унга ёт бўлиши керак.

— Ҳисобот-сайлов йиғилишларида партиясиз ўртоқларнинг иштирок этиши мажбўрийми?

— Йўқ. Мажбўрий эмас. Аммо биз ўйлаймики, кўпгина партиясиз ўртоқлар йиғилишларда қатнашиш истагини билдиришяпти. Бундай фол қатнашиш фақат фойда келтирарди. Коммунистларга ҳақ хатти-ҳаракатларига ва ишларига худди бошқа бир томондан назар ташлаб қўриш имконига эга бўладилар. Бунинг устига партия гуруҳиси ёки партия ташкилотиде ишлар қандайдир партия саволининг нима кераги бор? Албатта, агар коммунист партия Устави талабларини қўнғилдагидек бажармаётган бўлса, ҳақмасларига намуна бўлаётган бўлса, бундай коммунистнинг таъкиддан четде қолиши қийин. Биргина коммунистларнинг таъкид қилиниши эмас, балки бутун партия гуруҳиси ёки партия ташкилотиде ишларига ҳолисона таъкидлар бўлмоғи керак. Бу нарса фақат фойда келтирарди.

Қисқача қилиб айтганда, партия гуруҳиси, партия ташкилотининг иш бевосита бутун коллектив иш билан чамбарчас боғлиқлигидан кетган. Шу сабабли ҳам айрим коммунистларни тўқилангиратган муаммолар ва айрим партиясизларни тўқилангиратган муаммолар бўлмаслиги, балки умумий иш манфаети йўлидаги муаммолар кўтарилимоғи керак. Бу эса уларни ҳал этиш йўллари кўпчилиқ бўлиб қидириш демократидир.

— Озод Хомиевич, партия гуруҳлари, партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш, муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан кимлар унга етакчи қилиб сайланишига боғлиқ эмасми?

— Муатлоқ тўғри. Биз сайловлардан кўп нарса кутиламиз. Сайловларни очик ўтказиш керакики ёки ёки овоз бериш йўли биланми — бунинг коммунистларнинг ўзлари ҳал этадилар. Аммо қандай бўлмасин, у жуда жиддий ўйлаб қўрилган бўлиши, бу маълумиятга лавозимга номзод тақдир этишдан олдин жуда жиддий ўйлаб қўрилимоғи керак. Ҳа, айнан номзодлар. Чўнки сайловлар бир неча номзодлар тасвир этилган альтернатив асосда ўтиши лозим.

Бинобарин, ўтган йили ҳисобот-сайловлар мобайнида шаҳардаги деярли бarcha партия ташкилотларида фақат коммунистларнинггина эмас, балки меҳнат коллективни бarcha аъзоларининг ҳам улар кимини партия ташкилотининг муносиб етакчиси деб ҳисоблашлари тўғрисидаги фикрларини олдидан ўрганиш таърибига қилинди. Бунда турли усуллар қўлланилди — суҳбатлашлар, анкета саволларига жавоб олинди ва ҳоказо. Шунинг айтиш керакики, бу таърибга ўзини оқлади. Зотан, бу йилги ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёрланиш чоғиде ҳам партия ташкилотлари тўпланган таърибадан кенг фойдаландилар.

Партия ташкилотиде етакчиси қандай бўлмоғи керак? Бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг қарориде жуда аниқ айтилган: «...сайлав қўйилган органларнинг состави турган даражада аниқланган ҳақда қарарларга доир этилган масалалар ҳал этилиб, раҳбарларга сарғайрат, исқисдий фикрловчи, ташаббускор кишилар қўтарилиш. Меҳнатқашлар ўртасиде обрў-эътибор ва нуфузга сазовор бўлган ҳақда жамоат ташаббусини ўз қўлига олиб уни амалий ўзганга бориб юбора оладиган коммунистларнинг партиявий ишга кенг ва дедиб жалб этиш кераки.

— Ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланди. Балки дастлабки натоқалар ҳам қўришиб қолгандир?

— Ҳа. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари 1 августда бошланди. Улар бarcha партия гуруҳларида бўлиб ўтади. Шахримизда 3 мингга яқин партия гуруҳиси бор. 2 мингдан эъди бошланғич ва цех партия ташкилотлари бор. Ҳозирги вақтда 422 та партия гуруҳисиде йиғилишлар бўлиб ўтади. Уларда бир мингдан эъди партиясиз ўртоқлар қатнашдилар. Докладларни муҳокама қилишда уларда қатнашган ҳар кимки коммунистнинг бири сўзга чиқди. Бир мингдан эъди таъкид қилишга мўлоҳаза ва тақдирлар билдирди. Демак, бундан шундай ҳўқоса чиқариш мумкин, коммунистлар уларнинг ишончини оқилангиратган кишиларга, бўламак партия гуруҳиси ташкилотиде, партия ташкилотиде секретари ва ўзларига ҳам гўят қаттиқ талаблар қўйишмоқда. Бу эса ҳисобот ва сайловларнинг умуман юксак савияда ўтишига ишонч тўғдиради.

Суҳбатчи С. ЛИ

олиб бори.

Футбол

Кеча биринчи лига командалари ўртасиде мамлакат биринчилигининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Москвада турнир пешадаими — Марказий Армия спорт клуби билан куч синашган пахтакорчилар 0:2 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Шу турнинг қолган учрашувларида қўйилган натижалар қайда этилди: «Торпедо» — «Металлург» — 0:1, «Котайк» — АСК (Р) — 3:0, «Факел» — «Геолог» — 2:1, «Ростсельмаш» — «Шинник» — 1:0, «Кузбасс» — «Кайрат» — 0:0, «Даугава» — «Динамо» (Б) — 2:0, «Карпати» АСК — «Кубань» — 0:2, «Нистру» — «Спартак» — 1:0, «Таврия» — «Нефтичи» — 1:1.

Навбатдаги учрашувини «Пех-такор» сафарда «Кузбасс» коллектив билан ўтказди.

Меҳнатдан бахт топганлар

Қувонч

ҲАБИБУЛЛА уйга хурсанд кириб келди. Ўйига пешвоз чиққан хотинига сумкаларини берар экан: — Онаси, аjoyиб кимоно сотиб олдим. Худди чет элиники. Ўзим ярим соат навобатда турдим.

Салима сумкаларини ошхонага қўйиб чиқди, кимонони кўра бошлади. Кўзи бир маҳал этикеткага тушибди-ю жилмайиб қўйди. Индамай овқат қилишга унаб кетди. Ҳаёл аса...

Салима қизчилигидаёқ чеварлик насбига меҳр қўйди. Онаси Карима опа маҳаллада чевар деб ном чиқарган, фарзандларининг кийимини ўзи тикар, вақти ортиб қолса, қўни-қўшиларининг ҳам ишини битириб беради. Чеварнинг қадрини байрам ёки тўй-ҳашам арафасида бир кийимли ноёб матони қўлга олиб, чеварни сўраб-суриштирганлар ва иши битиб, кўнгли хуш бўлиб қайтганлар билишади. Онаси турли-туман материаллар орасида сирли кўрингани учунми ёки лабларида табассум билан хурсанд бўлиб чиқиб кетадиган қиз-жувоқлар сабабми, чеварлик касбига юракдан меҳр қўйди. Ниҳоят 10-синфини тугатгач, иккинчи 30-хуна-техника билим юртига ўқишга кирди. Икки йил ҳам бир зумда ўтиб кетди. Ўйланма бўйича Ленин номи шаҳар манйиш хизмат кўрсатиш бирлашмасига қарашли 15-ателевда иш бошлади. Аввалига шогирд, қисқа вақт мобайнида мастерлик даражасига кўтарилди. Ўзи ҳам шогирдларга устозлик қилди. Ҳаш-паш дегунча 15 йил ҳам ўтибди. Орада турмушга чиқиб, 3 фарзанднинг онаси бўлди. Фарзанднинг воғна етган сари мустақил бўлишга ҳаракат қилинади. Яшаш жойларини ўзгарти-

ришга тўғри келди. Натияжада иш жойи билан яшаш жойи орасидаги масофа узоқлик қила бошлади. Нима қилсин? Боши қотиб. Ишламай деса ишини қўзи қиймайди, бунинг устига 17 йиллик иш стажы бор. Ишлайверай деса болалари билан қийналади.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Золотинка» кооперативи иш бошлаганидан хабар топти-ю, енгиллашди. Албатта, хурсанд бўлмайдими, бир томондан уйига яқин бўлса, иккинчи томондан севган касби — тикувчилик билан шугулланади.

Янги коллективга тез киришиб кетди. 3-цехда 15 аёл ишлаб, улар спорт кийимлари тикишади. Майка, футболка, кимоно, самбо кийими ва бошқалар. Салима бу ерда тезда ҳурмат қозонди. Пилани деимо 130—150 фойз қилиб бажаради. Кооперативнинг бир яхши томони борки, бутун иш жараёнини бир тикувчи бажаради, сифатига ҳам ўзи жавоб беради. Ателевда эса бир кийимни тикунча ўнлаб тикувчи қўлидан ўтарди. Ёнани алоҳида бир тикувчи, енгини эса бошқаси, кимдир кўрак олди бурмасини тикса, бошқаси этагини босарди. Балки шунданми, кооперативда ишлайдиган ҳар бир аёл тиккан бўлган ниҳоятда сифатли ва харидордир.

Салима Нурмухамедованинг хаёлини Ҳабибулланинг овози бўлди:

— Онаси, ахир бу кимоно ўзинг ишлайдиган кооперативда тикилган экан-ку, кўриб туриб билмаслиқка оласан. Ахир бўлар экан-ку ўзимизда ҳам шундай аjoyиб, сифатли буюмларни тикиб чиқаришса.

Д. ЗОКИРОВА.

Яхши кайфият билан

Еш авлодин коммунистик руҳда тарбиялашдек шарафли касб эгалари — педагоглар меҳнат отпускарларини марокки ўтказмоқдалар. Чунки, Октябрь район халқ таълими ходимларидан 1500 киши СССР бўйлаб сەвқатларда бўлиб қайтишди.

Еш ойларида район мактаблари ва бочка-ясли тарбиячиларидан 107 киши марказий ва маҳаллий дам олиш масканларида бўлиб, довландилар. Ўқитувчилардан М. Эшонхўжаева, М. Миркаримова, Ф. Исҳоқова, А. Қунакина, М. Алиева, З. Аҳмедова, С. Ҳошимов кабилар эса мамлакатимиз бўйлаб сەвқат қилиш бахтига муассар бўлишди.

Октябрь район халқ таълими ходимлари касеба союз комитети ўқитувчиларнинг маданй ҳордиқлари, саломатликларини тиклаш учун йилга 40 минг сўмдан ортиқ пул сарфляпти.

Маориф ходимлари касеба

союзи Киров район комитети ҳам бор имкониятларини ишга солиб ўқитувчиларнинг ёзги дам олиш мавсумини намунали ўтказишга ўз улушини қўшмоқда.

Айни ёз ойларида райондаги 75 ўқитувчи турли оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришляпти. Уруш ветеранлари С. Мақсудов, Х. Абдуллин, ўқитувчилардан М. Аҳмедова, Н. Гускова, А. Пирмухамедова, Р. Михайлова, З. Илметова, Т. Ҳасановлар мамлакатимизнинг турли дам олиш масканларида, ҳориний мамлакатлари ва Ватанимиз бўйлаб сەвқат қилишди.

— Биз ўқитувчиларнинг яхши кайфият билан янги ўқув йилини бошлаб юборишлари учун бор имкониятларини ишга солишми, — дейди район халқ таълими бўлими касеба союз комитетининг раиси Тамара Мирсимонова.

С. СУЛТОНОВ.

Депутат билан учрашув

● Яқинда «Авангард» маҳалласи аҳолиси СССР халқ депутати, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин билан учрашдилар. Маҳалла комитетининг раиси О. Ортиқов, фаоллардан Ю. Ҳамидов, А. Камолов, М. Аҳадов, С. Солимухамедов ва бошқалар сўз олиб, мавжуд муаммолар ҳақида гапирдилар. Б. Ф. Сатин тушган саволларга жавоб қайтариб, шаҳарни ободонлашти-

риш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳақида маҳалла аҳолига ахборот берди.

Учрашувда шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосарлари Қ. Солиқов, М. Алиев, Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари Х. Орипов, ободонлаштириш, савдо, умумий овқатланиш бошқармалари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

Д. РАИМОВА.

Ечимини кутаётган муаммолар



Эски шаҳар: кеча, бугун, эртага

ТААССУФКИ, пойтахтда ҳанузгача эски шаҳар тушунчаси сақланиб қолмоқда. Шундоқкина Эски Жуваннинг нарёғига ўтсангиз, бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз. Қўнқа қад кўтарган бинолар рўбарўсидаги бу гуваля уйчалар, тор, қингир-қийишқ кўчалар... Келинг, рақамларга мурожаат қилайлик. Шу йил бошларида шаҳар бўйича 1919,6 минг квадрат метр эски уй-жой фонди мавжуд эди. Ўйратина Собир Раҳимов район территориясидаги эски турар жой фонди ярим миллион квадрат метрдан зиёдорини ташкил этади. Тўғри, Ленин районида бу 552 минг квадрат метрга тенг.

Шунга қарамастан Октябрь райони бу районларга тенглаштириб ҳам бўлмайди. Негаки ундаги эски турар жой фондининг умумий майдони бу районларнинг ҳар бирига таққосладанда яримча келадиган холос, яъни 284,5 минг квадрат метрни ишғол этади.

Кейинги уч йил ичида пойтахтда, шу жумладан эски шаҳарда ҳам қурилиш суръатлари анча ошди. Шу давр мобайнида салкам уч миллион квадрат метр уй-жой, қўлаб мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, шифхона ва бошқа объектлар қуриб, ишга туширилди.

Аммо эски шаҳар қиёфаси жуда секин-билан ўзгараётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бунинг асосий сабабларидан би-

ри авваллари ишга туширилган индустриал уйсозлиқнинг лойиҳа қувватлари ўта қониқарсиз ўзлаштирилганида ва «Ташгорстрой» территориал қурилиш бошқармасининг қурилиш индустриясини ривожлантиришга ажратилган капитал маблағларини ўзлаштиришда анча қолоқликка йўл қўйилганидадир.

Турар жойларни барпо этишнинг ҳужалиқ усули бўш ривожланмоқда. Шахсий уй-жой қуриш эса ўта суст амалга оширилмоқда. Ҳолбуки шаҳарда эски уй-жойлар масаласи гоёт танг аҳволда. Ҳисоб-китобларга қараганда икки миллион квадрат метрга яқин эски уй-жойларнинг 70 фойзи бузилиш талаб этади. Бунинг устига Тошкент ҳозир аҳолининг уй-жой билан таъминланиш борасида иттифоқдosh республикаларнинг пойтахтлари ўртасида охириги ўринлардан бирида турибди.

Шахсий уй-жойлар қуриш машаққати ҳақида гапирмай қўяёлаёйлик. Ёшш ва бошқа қурилиш материалларини топиш амри-маҳол. Ўйратина Собир Раҳимов райондаги «Эриқор» маҳалласида шахсий уй-жойлар қуриш учун ер ажратиб берилган. Бу ерда ҳозир шахсий уй қурувчи ҳар машина суви 10—12 сўмдан сотиб олиш ишлатишга мажбур бўлмоқдалар.

Энди масаланинг бошқа томонига ўтай-

лик. Маълумки, уй-жой қурилиши миқёслари пастлигига монолит уйсозлиқ етарлича ривож топмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Ириқ панели уйсозлиқ заводида қўшимча қувват ўз вақтида ишга тушмади. 5-уйсозлиқ комбинатининг 160 минг квадрат метр уй-жой қуриш қувватига эга бўлган биринчи навбатини фойдаланишга топшириш муддатлари қўзиб юборилди. Булар оқибат-натикада эски уй-жойларни бузишга ҳалақат берди. Кейинги уч йил ичида эски уйларда яшовчиларга 17,5 минг квартира бериш қўзда тутилган бўлса, амалда 4 мингдан сал зиёда оила квартира олди, холос.

Масалан, фақат Октябрь районининг ўзидagina 12-беш йилликда 1,5 миллион квадрат метр уй-жой қуриш қўзда тутилган бўлса, ўтган уч йилда 250 минг квадрат-метр уй-жой қурилди, холос. Шу сабабли эски шаҳарни реконструкция қилиш топшириғи ўлда-жўлда қолмоқда.

Эски шаҳарнинг архитектура қиёфаси келгусида қандай бўлиши, у ерда қанча миқдорда эски уй, архитектура ёдгорликлари, тарихий жойлар сақланиб қолсини, эски ва янги уйлар муносиблиги қандай бўлиши алоҳида мавзудир. Бизни эса биринчи гада эски шаҳардаги эски уйларда яшайдиган аҳолини замонавий уйларга кўчириш муаммоси қизиқтиради. Бу борадаги

сустаншлик шунга олиб келдики, шаҳарни ривожлантириш бош планида қўзда тутилган бу муҳим қонда бузилди. Пойтахтда аслида янги қурилган турар жой биноларининг 49 фойзи реконструкция қилинган ерларда қад кўтарини лозим эди. Ўтган уч йилда бу кўрсаткич бор-йўғи 30 фойзга ташкил этди.

Айни пайтда реконструкция қилинган территорияларда 38,5 минг квартира буён этилиши керак эди. Эски уй-жойларни бузиш учун ўтган уч йилда мўлжалдаги 17,5 минг ўрнига бор-йўғи 4,2 минг квартира ажратиб берилди. Шахсий уй-жой қурилиши учун ер ажратиб бериш ҳам қонқарича эмас. Жумладан, ўтган уч йил ичида шаҳарликлар бу мақсад учун 247 гектар ерни ололмадилар. Бу фақат уй-жой қурилишига эмас, балки инженерлик-геологик ишлаб чиқариш жараёнига ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга ҳам жиддий таъсир кўрсатди.

Хуллас эски шаҳар муаммолари ўткирлигича қолмоқда. Уларни ҳал қилиш учун барча имкониятлар ишга солиниши керак. Шаҳарни комплекс қуришни бусиз амалга ошириш амри-маҳол.

Ҳамид ИКРОМОВ.
СУРАТДА: «Қоратоп» даҳасидаги янги қурилишлар.

Х. Мирзакаримов сурати.

Сайқалчилар ютуғи

Тошкент область қурилиш бирлашмасига қарашли пардозлаш бошқармасининг коммунист В. Запёвниҳ етакчилиқ қилаётган сувоқчилар бригадаси ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йили етти ойини меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунлади.

Йоль ойда планлаштирилган 67 минг сўмлик ўрнига 89 минг 600 сўмлик пардоз ишларини амалга оширишди.

— Бу коллектив ўз байрамлари, яъни қурувчилар кунини юқори меҳнат зафарлари билан кутиб олди, — дейди биз билан суҳбатда бошқарма бош инженери Илҳом Алиев. — Аҳил коллектив 24 кишидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз касбини пухта биладиган тажрибали бинокорлардир. Коллективда шахсий меҳнат беллашуви кенг авж олган.

Д. ЭРГАШЕВ.

Танкид тан олинди

«Чанқаган кишига дунё қоронғу» мақоласи Ўзбекистон ССР

Савдо министрлиги коллегияси муҳокамасида

© «Тошкент оқшоми» газетасининг 1989 йил 7 август сонида редакция рейд бригадасининг «Чанқаган кишига дунё қоронғу» сарлавҳаси остидаги мақоласи эълон қилиниб, унда Тошкент шаҳри аҳолисини яхна ичимликлар ва музқай-

моқ билан таъминлашдаги узлишлар, жойлардаги антисанитария аҳоли, ишлаб чиқаришнинг ўз вақтида қоронғига топширилмаётганини, музқаймоқ ишлаб чиқариш учун ҳом ашё маҳсулотларининг етишмаётганини,

жада музқаймоқ маҳсулотлари ассортиментининг қашшоқлиғи кескин танқид қилинган эди. Газетанинг ушбу мақоласини Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ўз коллегияси мажлисида муҳокама қилди.

деги Ҳамза райпишчоторига қарашли ягона киоск ҳам ёпиқ эди. Дам олувчилар яхна ичимлик ичиш учун унинг олдида беҳуда келиб кетаятилар. Шунингдек, Ленин комсомоли номи маданият ва истроҳат богида яхна ичимликлар ва музқаймоқ сотувчи бешта савдо нуқтаи ҳам ишламайди. Бундан ташқари яхна ичимликлар, шу жумладан квас ва морс сотишга бутунлай бегона кишилар, балоғат ёшига етмаган болалар жалб этилмоқда...

Клара Насриддиновна ўз нуқтада бундай мисолларни жуда қўллаб келтирди ва савдо қонуни-қондаларини бузаётган шахсларга қатъий чора-тадбирлар кўриш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

«Тошкент оқшоми» газетасида чоп этилган «Чанқаган кишига дунё қоронғу» мақоласида келтирилган фактлар жуда ҳам тўғри, — деди сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Савдо министри ўринбосари, коллегия аъзоси Амирсанд Ҳалиловни Усмонхўжаев. — Газетда таъкидланганидек, Собир Раҳимов райпишчоторига қарашли Талабалар шаҳарчасидаги, Киров райпишчоторига қарашли Юнусов маҳалласидаги кўпгина савдо шохобчалари аҳолининг эҳтиёжини тўла қондоролмаётди. Улар шу кун талаблари даражасида ишламайятилар. Яхна ичимликлар, минерал сувлар ва музқаймоқ ишлаб чиқариётган саноат корхоналарида ҳам маҳсулот сифатини назорат қилиш қониқарсиз аҳволда. Қўл қолларда яхна ичимликларни ГОСТ талабларига жавоб бермаган ҳолда қабул қилиб олиш ва реализация қилиш ҳоллари учраб турибди. Яхна ичимликларни кўпйларини савдлаш ва реализация қилиш муди-дирлари ўтиб кетган. Аслида шартбатлар, яхна ичимликлар; минерал сувлар ишлаб чиқарилади-ку, лекин

уларнинг сифати текширилиб, қабул қилинмайдиган. Афсуски, бундай сифатсиз маҳсулотлар омбуларга ҳеч қандай тўсиқларсиз қабул қилиниб олинади. Чунки текшириш чоғида давлат савдо инспекцияси ходимлари жуда кўплаб нуқсонли маҳсулотларни брақ қилмоқда. Бас, шундай экан, биз ишимизни бутунлай қайта қуришимиз керак, — деди Амирсанд Ҳалиловни сўзининг охирида. — Жойларда савдо ходимлари ўртасида тарбия ишларини кучайтириш зарур. Раҳбарлар эса назоратини кучайтиришлари керак. Музқаймоқ ишлаб чиқарувчи корхона эса газетда айтилганидек, қўл қовуштириб ўтирмасдан ишни шу кун талаблари даражасида қурмоғи лозим. Мақолада номлари келтирилган барча айбдорлар — сотувчилар, магазин мудирилари ва директорлари, райпишчоторларнинг раҳбарлари ўйлай-мики, тегишли жазо оладилар ва бундан кейин аҳолига намунали хизмат кўрсатиш борасида барча имкониятларини ишга соладилар. Тошкент шаҳар савдо бош бошқармаси ўз ташкилотлари, коллективлари ўртасида газета мақоласини муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирлар кўради, деб ишонамиз.

Министрлик коллегияси мажлисида Тошкент шаҳар савдо бош бошқармаси, шаҳардаги барча райпишчоторларнинг ва умумий овқатланиш трестларининг мутасадди раҳбарлари иштирок этидилар. Уларнинг кўпчилиги сўзга чиқиб, «Тошкент оқшоми» газетасида эълон қилинган «Чанқаган кишига дунё қоронғу» мақоласида келтирилган фактларни тўғри, деб топдилар ва тез кунларда бу камчиликларни бартараф этишга ва аҳолини яхна ичимликлар, турли туман шартбатлар ҳамда музқаймоққа бўлган эҳтиёжини қондиришга сўз бердилар.

Т. ТОШЕВ.

Лукма

КЎР-КЎРОНА

ТАЪМИНОТ

Сапёрлар кўчасида яна бир тўрт қаватли турар жой биноси қад кўтарди. Бино катта оилаларга мўлжалланган бўлиб, 3—4—5 хоналардан иборат.

Ҳозир бу ерда монтаж ишлари билан бирга пардозлаш ишлари ҳам олиб боришмоқда. Лекин нима учундир кўп ҳолларда объектда сукунат ҳукм суради. Мана, сувоқчилар нарда ўйнаб ўтиришибди. Вақт эса 10.45. Бунинг сабабини прораб В. Пономаренкодан сўрадик.

— «Пардозлаш» трестга қарашли 24-қурилиш бошқармаси сайқалчиларимиз. Бу бригадада 13 киши меҳнат қилади. Афсуски, материаллар ўз вақтида келтирилмаётганлиги сабабли 10 кундан буён нарда ўйнаш билан бандимиз. Вақт зиқ. Объектни шу оқ — августда топширишимиз керак.

Гапнинг очигини айтиш керак, бу ерда ҳали «Электромонтаж», «Сантехгазмонтаж», «Бирлашмалар» ўз ишларини ниҳоясига етказишмаган. Қолаверса, монтаж ишлари тугалланмаган. Мазкур ташкилотлар муддатда сантехника жиҳозларини ўрнатиб беришга ким қарорат бера олади?

— Дарҳақиқат, ҳўжалик ҳисоби методидида ишлайтган бўлсангизлар керак?

— Фақат қозонда ишлаймиз. Бир нарсани ўйлангиларки, мана ишчилар беқор юрибди. Айб бизда. Қурувчилар талаби тўғри. Маошнини қаердан олиб тўлашга ҳайронман. Тариф ҳеч кимни қониқтирмайди. Аҳволни эса кўриб турибсиз.

Бу ҳолга таъминотчи ташкилотлар нима дер экан?

Д. МУРОДОВ.



Тикувчи-мотористка Фароҳат Қорваҳнова 41-ўрта мактабни бундан уч йил олдин битирган эди. Яқиндагина шогирд бўлиб юрган Фароҳат ҳозир «Шарк» кўи-поябзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг ижорлари сарфидан жой олди.



Намунча чиройли.

Хурматли редакция! Ҳаёт кузатувлардан ва ахборот маълумотларидан маълумки, нима учун эркаклар аёлларга нисбатан кам яшамади. Нема бундай? Шу ҳақда мақола берсангиз.

Матлуба ҚАЮМОВА, болалар уйи тарбиячиси.

Ҳаёт ширин, яхши ва узоқ умр кечириш ундан ҳам лаззатли. Минг афсуски, умрини нисбатан олганда, аёлларга қараганда, эркаклар кам яшамади. Оқшомхон М. Қазомовнинг бу ҳақда кутуби ёзганича бор. Аёлларнинг ўртача умри эркакларникидан узоқ эканига ўтган асрлардаёқ одамлар диққати жалб бўлган. XVIII асрда Россия Фанлар академияси нашрларидан бирида ёши одамзод ёшининг ҳамма даврларида эркакларникига қараганда узоқ бўлгани, шунинг учун катта ёшлар ўртасида эркакларга нисбатан аёллар кўп экани қайд қилинади.

Визинг ҳозирги кунимизда ҳам бу борада ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Эркаклар ва аёллар умри ўртасидаги фарқ турли мамлакатларда икки ёш атрофида (ривожланаётган мамлакатларда), иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда 7—8 ёшга қадар фарқ қилади. СССРда бу тафовут 5 ёшни ташкил этади.

Тадқиқотчилар, бу ҳолда сановат мараёни оқибатидир, деб ҳисоблайдилар, бу аёлларга нисбатан эркакларга анча ёмон таъсир этмоқда. Эркаклар ўртасида ўлим икки даврда чағ солиди. Биринчиси — 20-30 ёшда, иккинчиси 50-60 ёшда. Биринчиси бахтсиз ҳодисаларга бевосита боғлиқ бўлади, бу биринчидан, техниканинг жадвал ривожлангани, иккинчидан ёш йигитларнинг техникага ишқибозлиги, жумладан автомобил, мотоцикл ҳайдашларига алоқадор бўлади.

Иккинчи ҳодисада, эркаклар касалликлар, жумладан юрак-қон томир хасталикларини туфайли ўтасдан оламдан ўтадилар. Уларда юрак-қон томир касалликлари аёлларга нисбатан ўн йил илгари бошланган бўлади. Ҳозирги пайтда иқтисодий жиҳатдан ривожланган барча мамлакатларда эркаклар ва аёллар ўртасидаги ўлимга биринчи ўринда юрак-қон томир касалликлари, иккинчи ўринда онкологик касалликлар, учинчи ўринда бахтсиз ҳодисалар сабаб бўлмоқда. Масалан, 1982 йили Москва

нинг меҳнатта лойқатли аҳолиси ўртасида (25-64 ёш) эркаклар ва аёллар ўлими структурасида юрак-қон томир касалликлари 39 ва 38 фоизни, онкологик касалликлар 24 ва 38 фоизни, бахтсиз ҳодисалар 21 ва 9 фоизни ташкил этади. Демак, йигитлар (24-35) ўртасидаги бахтсиз ҳодисалар барча ўлим ҳолларининг 60 фоизини ташкил этади, онкологик касалликлар туфайли оламдан ўтаётганлар сонига деярли тенг келади.

Юрак-қон томир касалликларига келсак, шунинг айтиши керакки, бу касалликлар оқибатида вафот эта-

худди шу ёшдаги аёлларга нисбатан руҳий-ҳаяжонлиқ зўриқишлари юқори даражада экани аниқланган. Аксинча, 40 ёшгача бўлган аёллар руҳий зўриқишлардан кучлироқ таъсирланадилар. СССР Фанлар академияси социологини тадқиқотлар институтининг кузатувлари, эркаклар аёлларга қараганда (эркаклар — 44,4 фоиз, аёллар — 25,9 фоиз) ишлаш улар саломатлигига ёмон таъсир қилаётганидан кўпроқ шикоят қиладилар. Бунда ишлаб чиқаришдаги зарарли шартлар эмас, балки асабнинг зўриқиши назарда тутилади.

Бахтсиз ҳодисалар оқибатида жуда кўп ёш эркаклар умри ҳазон бўлади. Бунга қўшича ичкилик касофати сабаб бўлишини ҳамма билади.

Ижтимоий тадқиқотлар институтининг эркаклар ва аёлларнинг ўзларини қандай асрашлари таҳлил қилиб кўргани диққатга сазовордир. Маълум бўлишича масалан, аёллар эркакларга нисбатан шифокорларга тез-тез мурожаат қилиб турадилар. Аёллар соғлиғи эркакларникидан яхши эмаслиги учун эмас, балки улар ўз саломатликларига анча масъулият билан қарашлари туфайли ҳам шундай қиладилар. Аёллар ўз соғлиқлари, уни сақлаш ҳақида эртароқ қайғу-ра бошлайдилар, соғлом ҳаёт тарзига кўпроқ амал қиладилар.

Аёллар эркакларга нисбатан профилактик текширувларга баъзан иштирок этишгани аниқ. Қон босими билан боғлиқ тегишли шифокор тавсия этган даво тadbирларини анча пухта ва кўп ҳолларда охиригача бажарадилар, умумийсаноий тайёргарлик гуруҳларига, соғломлаштириш кабинетига анча актив қатнашадилар.

Эркаклар нега кам яшайди, деган саволга жавоб берад эканмиз, эркакларнинг биологик нуқтаи назардан ҳаётга қобилияти кўпроқ бўлади, бутун умр мобайнида катта асабий-руҳий оғирлиқни бошдан кечириш билан бирга, ўз соғлиқларига ўзлари зиён келтирадиган, аввало қаритиб қўйдиган ишларини қиладилар, ўз саломатлиқларини сақлаш, узоқ умр кўриш ҳақида унчалик маъмурий қўлимидилар. Буларнинг ҳаммаси ёмон оқибатларга олиб келади. Эркаклар учун бунинг йўли битта: турши-туришини, ҳаёт тарзини тўзатиш ва нихоят ўз соғлиғи ҳақида жиддий ўйлаш керак.

Марказий ва маҳаллий матбуот материаллари асосида Матарибат ОРИФЖОНОВА тайёрлаган.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Эркаклар нега кам яшайди?

Этганлар сони эркаклар ва аёлларда ҳам бир хил, бироқ бунда эркаклар ёшроқ пайтларида оламдан ўтиб кетяптилар. Эркакларнинг эртароқ вафот этишларига асосан сабаб нима? Эркакларнинг бевақт вафот этиши муқаррарми?

Маълумки, эркаклар аъзо-тани биологик нуқтаи назардан қараганда, аёлларникига нисбатан яшаш қобилияти кўпроқ. Бироқ эркаклар ва аёлларнинг ўртача умрини аниқлаб берадиган олимларнинг статистика асосида таҳлил қилиши шунинг кўрсатдики, эркаклар аъзо-танининг ўзига хос биологик хусусиятлари туфайли улар аёллардан кўпи билан икки йил кам яшайдилар. Шу муносабат билан эркаклар ва аёллар ўртача умри ўртасидаги тафовут (тақрибиймиз, бу бизда 5 йилни ташкил этади), асосан социал-психологик ва юриш-туриш омиллари таъсирига боғлиқ бўлади.

Мана шулардан энг муҳимларини айтиб ўтмиз. Эркаклар ўзларининг жамиятдаги социал ва профессионал ҳолатларига кўра турли руҳий ҳаяжонлиқ зўриқишларига кўпроқ учраб турадилар. Аёлларга нисбатан уларнинг асаблари мунтазам равишда кўп зўриқиб туради ва бу руҳий зарбадан азоб чекадилар. Олимларнинг келтирган маълумотларига кўра, 40 ёшдан ошган эркаклар оммавий равишда текширилганда уларнинг

Эркаклар ўртасида аёлларга нисбатан саломатлигини издан чиқарадиган оdatлар — чеккиш ва спиртли ичимликни суиистеъмол қилиш, гипокнезия (кам ҳаракатлилик) кўп тарқалган.

Чеккиш универсал хавф омилли экани аниқланган, у ўпқанинг сурункали касалликлари, нафас ораганлари раки, юракнинг ишемия касаллиги, мия инсультига олиб келади. Маълум бўлишича, сурункали бронхит билан оғриётганлар орасида уларнинг кўпчилиги (95 фоиз) илгари чеккишмаган ва ҳозирги пайтда чекади. Узоқ вақтлар мобайнида олиб борилган кузатувлар шунинг кўрсатдики, чекадиган эркаклар ўртасида умрида бир марта чекмаганларга қараганда турли сабаблар оқибатлариди ўлим 3 баробар, юрак-қон томир ва онкологик касалликлар туфайли эса 2 баробар кўп учрайди.

Чеккишдан воз кечилганда эди, саломатлиқ изга тушган ва ҳатто кўпгина эркаклар ҳаёти сақлаб қолинган бўлур эди. Москвада 1977—1980 йилларда одамлардан сўраб чиқилганда, 40—50 ёшли эркакларнинг 10 фоизи алкоғоли ичимликларини ҳафтасига бир неча марта ёки ҳар кун ичгани маълум бўлди. Кейинги кузатувлар шунинг кўрсатдики, бундай эркаклар ўртасида турли сабаблар, жумладан юрак-қон томир касалликларидан ўлиш ҳоллари 2 баробар, бахт-

Бу—қизиқ

Энг, энг, энг...

○ Дунёда энг катта «китоб» Фива (Миср) аҳромларига ўйиб ёзилган солнома ҳисобланиб, «тош саҳифаларининг» эни қирқ метрдан иборат.

○ Қозоғга босиб чиқарилган энг катта китоб эса, 8048 саҳифали — Библия (диний китоб) бўлиб (АҚШ) оғирлиги 500 килограммни ташкил этади.

○ 1832 йилда Англияда юз минг нусхада «Инглиз қаҳрамонлари пантеони» нашр этилиб, унинг бўйи беш метрдан ортиқ, эни уч метрдан узунроқ ўлчамда.

○ Узулиги 1,4 миллиметрли дунёдаги энг кичик китобни япон миниатюрчиси Асао Хосимо яратган. Бу митти китобнинг 20 саҳифасида шоир Вакаяманинг

«Чумолилар» ва «Паровоз» номлардаги болалар кўшиқларининг матни кўчириб босилган.

○ Дунёда энг катта энциклопедия Хитойда нашр этилган. У 11095 жилдан иборат бўлиб, кириш сўзига 60 жилдан ағаллайди. Уни тузишда икки мингдан ортиқ олимлар иштирок этишган.

○ Энг қадимий китоб — папирус эрамиздан аввалги 3350 йилга мансуб бўлиб, Париж миллий кутубхонасида сақланади.

Тўлқин АШРАФХОНОВ тайёрлаган.

Реклама ва эълонлар

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ сонли программа билан бошқариладиган станокларда деталларга ишлов бериш учун машинасозлик технологияси, сонли программа билан бошқариладиган металл қирқувчи станоклар ва сановат роботлари, техника механикаси, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш асослари ўқитувчилари

вакант вазифаларига КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Бизнинг адрес: 700006, Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 12-уй, каттарал бўлими.

Справклар учун телефон — 33-02-23.

ЕШ КЕЛИН-КУЕВЛАР ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Агарда Сиз тўйинг ресто-ран ва кафеда эмас,

ўз ҳолида ўтказишни лозим топсангиз, «ТАШСЕЛЬМАШ» корхонасининг техника воситалари прокат пункти катта миқдорда

— лаглар, чойнаклар, пиллар, хосалар ва ҳоказолари;

— булардан ташқари, ташкилотлар, кооперативлар ва шахсий ишларга қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналари, пардозлаш ва пайвандлаш ускуналари ҳамда бошқа техникаларни

ПРОКАТГА БЕРАДИ

Прокат учун ҳақ фойдаланиш вақтига қараб олинади.

Бизнинг адрес: 700022, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 1-проезд, 8-уй. Телефон — 53-70-15.

«ТАШСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Исхиккудаги «ЮБИЛЕЙ» ПАНСИОНАТИДА

1989 йилнинг сентябры — октябры ойларида, 15 кун мuddат билан дам олиш учун қиймати 90 сўм турадиган ПУТЕВКАЛАРНИ СОТАДИ

Дам олувчилар: 29, 31 августда, 2, 4, 13, 15, 17, 19, 28, 30 сентябрда, 2, 4, 13, 15, 17, 19 октябрда

ЖУНАВ КЕТАДИЛАР.

Дам олувчилар ҳамма қудайликлар яратилган автобусларда борадилар ва қайтиб келадилар.

Йул ҳақи — 32 сўм.

Путёвклар ташкилотлар ва граждандардан тушган ариза ва бююртмалар миқдорига қараб сотилади.

Справклар учун телефонлар — 39-02-30, 39-09-59, 32-10-64.

ТОШКЕНТ ОҚШОНИ

Узбек ва рус тилларида мушаккил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшони» («Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетини нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени бомақонаси, Тошкент шаҳри.

Р — 14640.

Реклама ва эълонлар

Иштахангиз ёқимли бўлсин!

Ун ва тухумга булаб қовурилган, қип-қизариб турган балиқ бўлаклари иштахангиз қитқилайди. Тайёр қовурилган минтай балиқларини сиз истаган кунингиз соат 8 дан 20 гача (танаффус соат 14 дан 15 гача).

АҚМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДО ИДОРАСИГА ҚАРАШЛИ 11- МАГАЗИН ҲУЗУРИДАГИ МАХСУС ПАВИЛЬОНДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Павильон биринчи бўлиб хариддорларга хизмат кўрсатишининг ана шу кўринишини ўзлаштирди ва жорий этди.

Тайёр қовурилган балиқ овқат тайёрлаш учун кетадиган вақтинг тежайди. Балиққа қўшиб қовурилган картошка, лавлагги икраси (қирғичдан ўтказиб, пизэ қўшиб қовурилган лавлагги), томатда димланган сабзи қўшиб тановул қилиш мумкин.

Оппок фартук, кўк куйлак кияман...

лин, елим, фломастерлар, қаламлар, қаламдон ва бошқа кўп нарсаларни ҳам олиб бердилар.

Мақтаб ўқув қуруллари, мақтаб ва пионер формасини сотиб олиш учун сизларни «БОЛАЛАР ДУНЕСИ» чакана-савдо фирмасининг магазинлари тақдир қиламиз. Биринчи синф ўқувчилари учун ҳам, каттароқ ёшдаги ўқувчилар учун ҳам бу ерда ҳамма нарса бор.

МАКТАБ БОЗОРЛАРИДА:

қизлар учун — МАКТАБ ФОРМАСИ (ёзлик — кўк куйлак, кишилик — жигар ранг куйлак, оқ ва қора фартуклар), ПИОНЕР ФОРМАСИ;

ўғил болалар учун — МАКТАБ ФОРМАСИ (шим, пиджак), ПИОНЕР ФОРМАСИ (шим, узун ва калта энгли куйлак), ҚУЙЛАКЛАР—оқ, занго-ри; ШИМЛАР, ШОРТИЛАР сотувга қўйилган.

САВДОДА: галстуклар, значоклар, авторучкалар (пероли ва шарикли), ручкалар учун стерженлар, кундалик дафтарлар учун ҳамда китоб ва дафтарлар учун муқовалар, қалин дафтарлар, ўқувчилик дафтарлари, расм ва чизмачилик альбомлари, ҳисоблаш таёқчалари, чизгичлар, елкага осиладиган ранецлар, портфеллар, сумкалар ва ҳоказолар мавжуд.

«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИНИНГ МАКТАБ БОЗОРЛАРИ 5 СЕНТЯБРГАЧА ИШЛАЙДИ.

ХУШ КЕЛИСИСИ!

«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИ

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг

Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Телефонлар: қабулхона—32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши—32-57-84; эконоимика ва шаҳар ҳўжалиги—32-54-19; ижтимоий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 32-29-70; «мамоатчилик» редакцияси — 32-99-42; 32-53-66, 32-54-15; «Ташкентская» «неделя» ренламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.



ШУНИНГДЕК, ПАВИЛЬОНДА БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ УЧУН ҚОВУРИЛГАН БАЛИҚҚА БУ-ЮРТМА БЕРИШ МУМКИН — БУНИНГ УЧУН 74-56-49 номерли телефон орқали қўнғироқ қилиш керак.

Павильонга 2, 20, 33, 41, 70, 75, 79, 152, 182, 187, 189-автobусларда, 12 ва 13-троллейбусларда, 4, 9, 17-трамвайларда бориш мумкин. «Фарход бозори» бека-тида тушилади.

АҚМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ ИДОРАСИ.

Реклама ва эълонлар

15, 16 АВГУСТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ИНТЕР КИЗ» (катта зал, 11, 14, 17, 20.00; кичик зал, 12, 15, 18, 20.30). Восток — «КЕМА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00). К. Ерматов номли — «ЯККА УЗ» (тоқ соатларда). Қозғиротин — «СЕВГИ ДАРДИ» (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.00). Чайка — «СЕВГИ ДАРДИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00). Шайхзада номли — «АРТИСТ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45). Тошкент Советининг 50 йиллиги — «СЕВГИ ДАРДИ» (12, 13.30, 16, 18.30, 21.00). Фестиваль (ёғин) — «СЕВГИ ДАРДИ» (21.40). Хива — «БАЛАНД БУЯЛИ МАЛЛАСОЧ КИШИ» (21.40).

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҚИММАТИ ПАХТАЧИЛИК

МАШИНАЛАРИ БУЙИЧА ИХТИСОСЛАШГАН БОШ КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИ (ГСКБ)

ҚУНИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРИБ БЕРАДИ:

— диплом ва курс дойн-халари, китоблар, брошюралар, альбомлар, ҳисоб-китоб бухгалтерия ҳужжатларини муқовалаб бериш;

Ўқув чизмалари, схема-лар, ҳомакчи чизмалар, техника графиги, технологик карталардан нусха кўчириб, кўпайтириб бериш.

Справклар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Ново-Ульяновский кўчаси, 210-уй. Телефон — 68-73-20.

Тошкент шаҳар С. Раҳимов районидидаги 63-кечки ўрта мактаб томонидан Н. Замиратдинова Р. Искендер Раҳимов номига берилган Г-262514 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осие давлат университети томонидан Холматов Набином Бегматович номига берилган Г-465295 номерли йўқолган ИМТИЁЗЛИ ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Октябрь район ошхоналар трести маъмурияти, партия ва насаба союз ташкилотлари, трестнинг собиқ ходими, партия ва меҳнат ветерани

Ҳиният ХУДОЙНАЗАРОВНИНГ вафот этганининг чуқур қайғу билан ёлдирили, марҳумнинг оила аъзолари-га тазия изҳор қилади.

Яқинбадан ҳар кўни чиқарди.